



Йигласам, вақти дуо, бўлғаймукин?
Кўз ёшим дардга даво бўлғаймукин?

Бодаи ишки Мухаббатдин ичиб,
Шавкати дунё жудо бўлғаймукин?

Бош уриб келдим Сенинг даргохинга,
Бир мадақорим Худо бўлғаймукин?

Йигламоқдин манга имкон колмади,
Ёрдин манга нидо бўлгаймукин?

Телба Машраб йиглаюр «Ё Раббано»,
«Раббиял аъло» десам бўлгаймукин?

Шарх: Бўлгаймукин

Аллохга тавбалар килиб, кўз ёшларим селдек куйилса, кўнгил ойнасини тўсган надомат булутлари таркалармикан? Пок иймон билан килинган, дардга даво бўлгучи асл дуо шу эмасмикан? Яратган йўлида килган ибодатларим, чеккан риёзату меҳнатим ноқис нафсимнинг дунёвий хирсига тўсик бўла олармикан? Парвардигоро, бош уриб, саждалар килиб Сендан сўрайман, Ўзинг марҳамат этмасанг холим хароб. Йиглай-йиглай кўз ёшларим ҳам куриди. Тавбамни қабул айла, илтижоларимга жавоб бер, эй Кодир Эгам. Сенинг йўлингда телбалик ихтиёр этган кулинг Машраб «Ё Раббано» дея дод солиб йигламоқда. «Раббим покдир» десам Сенга охим етармикан?

Раҳматуллох Носирнинг
"Соз билан суҳбат" китобидан